

ЎРИН-ЖОЙ ЖИҲОЗЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ ЛЕКСИКАСИ

Манзура Тулагановна Нарматова

Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7728195>

Аннотация: мақолада “Малика айёр”, “Баҳром ва Гуландом” дostonларида ўрин-жой жиҳозлари ва буюмлари лексикаси тушунчасига оид маиший лексемалар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: лексема, тиллар, луғат, буюм, жиҳоз, тўшак, ёстиқ, гилам, кийгиз каби.

Халқимизнинг анъанавий турмуш тарзида, кундалик-маиший ҳаётида эҳтиёж сифатида фойдаланиш зарур бўлган ўрин-жой жиҳозлари ва буюмларини ифодаловчи ўнлаб лексемалар (масалан, тўшак, кўрпа, ёстиқ, болиш, кўрпача, чойшаб, полос, кийгиз, гилам, гиламча ва бошқалар) борки, уларни бир тизим асосида этнолингвистик таҳлил қилиш ниҳоятда долзарб вазифалардан бири саналади. Қуйида улардан айримларининг этнолингвистик таҳлилини келтирамиз:

Тўшак соф туркийча бўлган мазкур лексеманинг қўлланилиши жуда қадимий тарихга бориб тақалади: тўшак шаклида М.Қошғарийнинг “Девони луғотит турк”ида учрайди. (10., ДЛТ, I, 374-бет). Мазкур лексема деярли барча туркий халқлар тилида фаол қўлланади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида тўшак, туркман тилида душек, қирғиз тилида дошэк, уйғур тилида чушек тарзида қўлланилиши ҳеч кимга сир эмас. Тилимизнинг нуфузли луғатида мазкур лексеманинг икки хил маъноси борлиги қайд этилган. 1. Жун, пахта сингари юмшоқ нарса солиб тикиб тайёрланган, ётиш, ўтириш учун тўшаладиган буюм, анжом; 2. Ётиш учун солинган ўрин, ост ва устга ташланадиган (солинадиган) нарса. (16., ЎТИЛ, IV, 250-бет).

Тўшак лексемаси жамият тараққиётининг ҳар бир даврида, оғзаки ва ёзма нутқларда, қўлёзма асарларда қўлланилганлигини кузатиш мумкин. Масалан, Навоий асарлардаги “Кат юзида тўшак солиб неча қат, Анда ётқузди зару хастани бот (СС. X. 288-бет) ёки “Нетиб қилғай сафодин саждае фош, тўшакдин илки олмас лаҳзае бош” (6., Ф.Ш. VIII, 513-бет) каби мисраларни далил сифатида келтиришнинг ўзи етарли деб, деб ўйлаймиз. Дарҳақиқат, Навоий асарлари луғатида тўшак – “тўшак, полос, оёқ остига тўшаладиган ҳар бир нарса” (8., АНАТИЛ, III, 272-бет) деган изоҳнинг берилиши мантиқан тўғри.

Тўшак лексемасининг тадқиқотимиз объектига жалб қилинган халқ дostonларида ҳам қўлланилишини кузатдик ва бу ўринда айрим мулоҳазаларни беришни лозим топдик. “Малика айёр”да мазкур сўз бирлиги бор-йўғи 2 марта учради, унинг тўшакда, тўшаклар, тўшаклардан каби шаклдошлари 1 мартадан қўлланилганлиги аниқланди: Аваздан миннатдор бўлиб, меҳмонхонага киргизиб, меҳмонларни тўшак ташлаб ўтиргизди, кўп сийлади, югуриб қилди хизматни, қилди зиёфатни (11., М.а. 41-бет). Нега хизматкор канизлар Қаландарларнинг остига тезлик билан тўшак ташлаб, Қаландарлар ақлин олди (11., М.а. 100-бет). Учови бирга-бирга пастки томга чиқиб, кўрғоннинг шоҳсупасига бориб, яхши либос тўшаклардан чиқариб солди (11., М.а. 154-бет). “Баҳром ва Гуландом” дostonининг матнида тўшак лексемасининг қўлланилганлиги кузатилмади.

Ёстиқ соф туркийча бўлган бу лексема уй-жой жиҳозлари ва буюмлари сифатида жуда қадимдан қўлланилган. У “бош остига қўйиб ётиш, ёнбошлаш, суяниш учун ишлатиладиган юмшоқ буюм, болиш” (14., ЎТИЛ, II, 99-бет) маъносини ифодалайди.

Мазкур изоҳдаги болиш (болишт) аслида ёстиқ лексемасининг функционал маънодоши, синоними саналади. Навоий асарлари луғатида болиш (болишт) (ёстиқ ва болиш) ва гирд болиш, лўла болиш, юмалоқ ёстиқ маъноларини ифодалаши ҳақида маълумот берилган ва қуйидаги матнлар келтирилган: Келу хужрам супургил, эй иқбол, Гирд болишт равзан олиға сол (5.,СС. X. 59-бет). Сипехр узра бўлсун санга тахтгоҳ, Қуёш гирдболиштидин такагоҳ (4.,СИ. XI. 341-бет).

Кейинги мисрадаги такагоҳ лесемаси аслида араб тилидан ўзлашган сўз бўлиб, “бошпана, тураржой, макон, мусофирхона, етимхона, суянчиқ”, шунингдек, шеваларда “ёстиқ болиш, суянчиқ” маъноларини ифодалайди (15.,ЎТИЛ. III. 547-бет). Қадимги қўлёзма манбаларда, хусусан, Навоийнинг айрим асарларида така сўзи ёстиққа маънодош-синоним бўлиб қўлланилганлиги маълум. Масалан, Ҳазратнинг “Девониға ёру ошна ул, Така қилур ўлса муттако ул” каби мисраларини лисоний далил сифатида келтиришнинг ўзи буни тасдиқлайди, деб ўйлаймиз.

Халқимиз орасида “тош ёстиқ”, “қаттиқ ёстиқ”, “лўла ёстиқ” каби сўз бирикмалари азалдан бор. Уларнинг дастлабки иккала варианты ёзма адабиёт намуналарида, хусусан, Навоий асарларида, учинчи варианты (лўла ёстиқ) оғзаки сўзлашув нутқида ҳозиргача фаол қўлланади. Масалан, Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги “Уйқуга қўймоқ тиласам ерга бош, Такайи хоро манга бир хоро тош” каби мисралари ҳам фикримизга бирламчи далил бўла олади. Ундаги такайи хоро бирикмаси “тош ёстиқ”, “қаттиқ ёстиқ” маъноларида қўлланган. Лўла ёстиқ лексемасининг маънодош-синоними лўлатака ҳам анча кенг қамровда қўлланилган. Хусусан, мазкур атама қарақолпоғистондаги ва Қашқадарё худудидаги ўзбек шеваларида “узун, юмалоқ ёстиқ”, “тош ёстиқ”, “қаттиқ ёстиқ” маъноларини ифодалаб қўлланилиши кўпчиликка маълум бўлган лингвистик ҳолатдир. Хоразм шевалари така ёстиқнинг барча турларини ифодалаб келса, халқ достонларида, хусусан, “Баҳром ва Гуландом”да ёстиқ лексемаси фақат бир ўринда қўлланилганлиги кузатилди: Майин ёстиқлар ёнбошига қўйилган. Олтиндан ишланган супада Сайфур ўтирди (9.,Б.Г. 36-бет). “Малика айёр” достони матнида ёстиқ, лўла, така каби лексемалар учрамади.

Гилям: бу лексема аслида форсча сўз бўлиб, “туксиз гилям”, “палос” маъносини ифодалайди. Тилимизнинг изоҳли луғатида “жун, ипакдан тўқилиб, ерга, полга тўшаладиган ёки безак учун хона деворларига осиб қўйиладиган уй жиҳози, бадий тўқимачилик буюми” (13.,ЎТИЛ, I, 501-бет) тарзидаги маълумотни учратамиз. Гилям лексемаси форс-тожик тилида “палос, тақир гилям” маъноларини ифодаловчи келим сўз бирлиги тилимизга гилям шаклида ўзлашган. Мазкур лексеманинг қўлланиш қамрови жуда кенг: тожик тилида гилем, араб тилида гелим, келим шаклида ишлатилиши этимологик луғатларда қайд этилган (12.,ЎТЭЛ, III, 62-бет). Бу ўринда таъкидлаш лозим: гилям сўзининг ўзи ва шаклдошлари қўлланилишига кўра узоқ тарихий тараққиёт босқичларини босиб ўтган: ёзма ёдгорликларда ўз ифодасини топган. Масалан, Ҳазрат Навоийнинг машҳур “Фарҳод ва Ширин” асаридаги “Гилеме солиниб гулгуну зебо, Ясаиб кўргаси гулрангу дебо” каби мисраларни лисоний далил сифатида келтиришнинг ўзи кифоя, -деб ўйлаймиз. Мазкур гилема лексемасининг гилям шакли тилимизда оғзаки сўзлаш нутқида, халқ достонлари тилида фаол қўлланилганлигини кузатдик. Лекин биз ўрганган “Малика айёр” достони матнида фақат бир ўринда

мавжудлиги аниқланди: Эй йигитлар, Гўрўғли туркманларнинг беклигини ўхшатолмайди шекилли, мени гиламга солинглар, бордор-бордор қилиб, Гўрўғлининг тахтига миндиринглар. (11.,М.а.19-бет). “Баҳром ва Гуландом” достонида ҳам бир ўринда қўлланган: Ўтириш жойин тузатди, // Завқи-сафоли давлатди, // Ҳар турли гиламлар тўшаб, // Қимматбаҳо либослардан, // Боз устига ёйиб ташлаб (9.,Б.Г.86-бет).

Кийгиз (кигиз, кийз). Бу лексема соф туркийча, “юнгдан босиб тайёрланадиган қалин пишиқ палос, наMAT” маъносини ифодалайди. Кигиздан уй жиҳозлари ва оёқ кийимлари тайёрланганлиги боис унинг қўлланилиш доираси кенг, пайдо бўлиши қадимги даврларга бориб тақалади. Буни қадимги табобатда бирор ярага кигиз(кийиз)ни куйдириб босиб қўйиш одатидан билса бўлади. Ҳатто ёзма ёдгорликларда, хусусан, Навоий асарларида “Лайли ва Мажнун” достони матнида кийиз шаклининг ҳам қўлланилганлигини кузатдик: Булбул топмай ўзини азосиз, // Бўлғай пари бўйнига қора кийз (2.,Л.М. IX. 292-бет): Кийз порасин охи куйдуруб чувт, // Боши ярасига боғлади руст (2.,Л.М. IX. 191-бет).

Кигиздан уй жиҳозлари, гилам, гиламча, оёқ кийимлар (пайпоқ)дан яна бош кийимлари (масалан, кийгизли телпак, қалпоқ) тайёрланиши ҳам қадимги даврларга бориб тақалади. Масалан, кигизли телпаклар (кийгиз бўрк) бош кийими атамасини Навоийнинг “Мажолисун-нафоис”ида ҳам учратдик: “Мавлоно Ашраф дарвешваш ва номуродшева киши эрди. Ва кигиз бўрк устуга курчуқ чармар эрди. (3.,М.Н. XIII. 11-бет). Бу маълумотлардан аён бўладик, кийгиз, кигиз, кийз шаклидаги лексемалар қадимдан ажодларимиз ва ота-боболаримизнинг кундалик турмуш тарзидаги мулоқотларда фаол қўлланган, қўлёзма асарларида ўз ифодасини топган. Бунинг ёрқин далилини биз ўрганган дostonлар матнида ҳам кузатдик: Шу вақтда Баҳром: “Бундайин юрмайин, мени ҳеч ким билмасин, -деб кийимлари устидан бир кигизни кийиб, одам эсига олмайдиган, кимса деб биров сўрамайдиган одам бўлиб, Гуландомга тикилиб, тупроққа ёнбошлаб ёта берди” (9.,Б.Г. 64-бет).

Хулоса қилиб айтганда, ўрин-жой жиҳозлари ва буюмлари тилимизнинг луғат бойлигидан муносиб ўрин олган. Уларни тўплаш, бир тизим асосида лексикографик маълумотлар тайёрлаш маънавий қадриятларимиздан бири саналади. Ўрин-жой жиҳозлари ва буюмларининг ўзбек халқ оғзаки ижодида қўлланилиши ҳолатларини ўрганиш ҳам муҳим илмий-амалий тадқиқотни тақозо этади.

References:

1. Абдулхайр М. Навоий асарлари изоҳли луғати. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018.
2. А.Навоий.Мукаммал асарлар тўплами.20 жилдлик(1987-2003) Лайли ва Мажнун,IX жилд.
3. А.Навоий.Мукаммал асарлар тўплами.20 жилдлик(1987-2003) Мажолис ун нафоис XIII жилд.
4. А.Навоий.Мукаммал асарлар тўплами.20 жилдлик(1987-2003).Садди Искандарий, XI жилд.

5. А. Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик (1987-2003). Сабъайи сайёр, X жилд,
6. А. Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик (1987-2003). Фарҳод ва. Ширин, VIII жилд.
7. А. Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик (1987-2003). Ҳайратул аброр VII жилд
8. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати (1983-1985).
9. Б.Г-Баҳром ва Гуландом – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1886.
10. Девони луғотит турк 1-жилд. Т. Фан, 1960
11. М.а.- Малика айёр.- Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1886.
12. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. I. 2013.
13. ЎТИЛ- Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик.- Тошкент: ЎзбМЭ., 1-жилд, 2006.
14. ЎТИЛ- Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик.- Тошкент: ЎзбМЭ., 2-жилд, 2006.
15. ЎТИЛ- Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик.- Тошкент: ЎзбМЭ., 3-жилд, 2006.
16. ЎТИЛ- Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик.- Тошкент: ЎзбМЭ., 4-жилд, 2006.